Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 30 апрель
ШАНБА
№ 98 (4.294).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 28 апрелда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида КПССнинг бўлғуси Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бир қанча ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Сиёсий бюро электрон саноатни ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан ҳукумат ишлаб чиққан таклифларни муҳокама қилди. Жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, мамлакатнинг илғор фан-техника марраларига чиқиб олишини таъминлаш йўлини амалга ошириш электрон саноатни янада юксалтиришга оид шошилинч чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилаётганлиги, бу саноат маҳсулоти халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга ҳал қилувчи таъсир ўтказаётганлиги мажлис давомида уқтириб ўтилди. Айниқса кейинги йилларда электрон бошқарув воситаларига эга бўлган машиналар, ускуналар ва приборлар, ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш кенгайтирилиши сабабли электрон техника маҳсулотларига эҳтиёжнинг ўсиш суръатлари билан электрон саноатни ривожлантиришнинг белгиланган истиқболлари ўртасида катта номутаносиблик вужудга келди.

Ватан электроникасининг илмий ва ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга оид тадбирлар комплекси маъқулланди. XII, XIII беш йилликлар мобайнида ва 2000 йилгача бўлган даврда электрон саноати қувватини кўпайтириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва мамлакатнинг турли регионларида бир қанча янги заводлар қуриш, микроэлектроника проблемалари билан шуғулланувчи илмий марказлар барпо этиш белгиланди. Электрониканинг техникавий даражасини анча оширишга қаратилган амалий ва фундаментал тадқиқотларнинг комплекс программаси қабул этилди. Бу ишларга СССР Фанлар академияси ташкилотларини ва олий ўқув юртларини жалб этиш белгиланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Литва Компартияси Марказий Комитети билан Литва ССР Министрлар Совети, Эстония Компартияси Марказий Комитети билан Эстония ССР Министрлар Совети кенг активлар иштирокида ишлаб чиққан шу республикаларнинг халқ хўжалигини бошқариш бош схемаларини маъқуллади. Бошқарувни такомиллаштиришга оид таклифлар республикалар Олий Советларининг сессияларида муҳокама қилинган ва қўллаб-қувватланган. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь пленуми қарорларига ҳамда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ янги схемалар бошқарувни тубдан қайта қуришга, унинг аппаратини қисқартириш ва арзонлаштиришга, шу республикалар социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш юзасидан раҳбарликнинг устун даражада иқтисодий усулларига ўтиш учун ташкилий шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц 21—22 апрель кунлари Москвага визит қилган вақтида у билан ўтказган суҳбатлари ҳамда Э. А. Шеварднадзенинг Ж. Шульц билан музокаралари якунларини муҳокама қилиб, маъқуллади. Хавфсизлик, маҳаллий муаммолар масалалари ҳамда икки томонлама муносабатлар юзасидан ўтказилган фикрлашувлар асосида олий даражада ўтказиладиган навбатдаги Совет—Америка учрашувининг концепцияси хусусида тушунишга эришилганлиги ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган асосий тадбирлар келишиб олинганлиги таъкидланди.

Совет раҳбарияти олий даражадаги Москва учрашуви аниқ-равшан ва салмоқли натижалар билан нишонланиши учун зарур куч-ғайратларни сарфлашга тайёр. Бунинг учун Америка томони ҳам шунга мувофиқ равишда интилиши, унинг сиёсий реалликлари билан ҳисоблашишга, музокарадошнинг манфаатларини эътиборга олишга, ўзининг жаҳон олдидаги масъулият мезонини пухта ўйлаб кўришга ҳамда ўз фикрлари ва қадриятларини бошқаларга тиқиштириш йўлидаги уринишлардан воз кечишга тайёрлиги зарур, албатта.

Сиёсий бюро Н. И. Рижковнинг Венгрия Халқ Республикасига расмий дўстона визити якунларини маъқуллади. Совет — Венгрия муносабатларининг энг муҳим масалалари батафсил муҳокама қилинганлиги ва эришилган аҳдлашувлар Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги қардошлик алоқаларини ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очади. СССР ва Венгриядаги янгиланиш мақсадларининг муштараклиги ва янгиланиш жараёнлари йўналишлари яқинлиги иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарадорлигини ошириш, ҳамкорликнинг замонавий интеграцион усулларидан кенг фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Барча асосий халқаро проблемаларга нисбатан ягона ёндашилаётгани каби мана шуларнинг ҳаммаси ҳам совет ва венгер халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирилди.

А. Ф. Добрининнинг «Проблемы мира и социализма» журнали иши юзасидан 12—15 апрель кунлари Прагада ўтказилган кенгаш якунлари тўғрисидаги ахборoти кўриб чиқилди ҳамда КПСС делегациясининг фаолияти маъқулланди. Ошкоралик ва бир-бирининг позицияларига ҳурмат вазиятидаги рўй-рост фикрлашувлар натижасида «Проблемы мира и социализма» журналининг фаолиятини қайта қуриш ҳамда бу соҳадаги тегишли тадбирлар каби муҳим масалани ҳал этишга ижобий ёндашувни коллектив бўлиб ишлаб чиқишга муваффақ бўлинганлигидан мамнуният изҳор этилди. КПСС Марказий Комитетининг фикрича, бундай ёндашув замон руҳига, коммунистик, бутун ишчилар ва сўл демократик ҳаракат эҳтиёжларига мос бўлиб тушади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида мамлакат давлат қурилиши ва ижтимоий-сиёсий турмушининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

**СССР граждалари! Кўп миллатли буюк Ватанимиз куч-қудратининг манбаи—эркин мамлакатдаги эркин халқларнинг иттифоқи ва қардошлигини тинимсиз мустаҳкамлангиз!**

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май чақириқларидан).





**Китоб районидаги «Навбаҳор» совхозида ғўза парваришига бултургидан 17 кун барвақт киришилди. Биринчи бўлиб Парда Абдуллаев бошлиқ бригада деҳқонлари экинга ишлов беришни бошладилар. Коллектив икки йилдан бери пудрат асосида ишламоқда. 1987 йилда 115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,8 центнердан оқ олтин етиштирилганди. Бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш кўзланган.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи П. Абдуллаев. 2. Ғўзага дастлабки ишлов берилмоқда.**

Ш. ШАРОПОВ фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## ЭКИН-ТИКИН ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети умуман республикада баҳори экинлари экиш ниҳоясига етай, деб қолганлигини маълум қилди. Экин-тикин ишлари суръати ўтган йиллардагидан юқори. 2448,1 минг гектар майдонга баҳори экинлар экилди, бу эса планнинг 83,7 процентини ташкил этади. 1826,6 минг гектар майдонга чигит экилди (планнинг 92,9 проценти).

Наманган ва Тошкент областларининг хўжаликларида чигит экиб бўлинди. Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг хўжаликларида чигит экишни яқин кунлар ичида туғаллашади.

Шу билан бирга Қорақалпоғистон АССРда чигит экиш ишлари жуда кечикиб кетди. Бу ерда шу экин учун ажратилган майдонларнинг пландаги 54,8 процентига чигит экилган.

Колхоз ва совхозлар картошка экиш учун ўтган йилдагидан кўпроқ майдон ажратдилар. Бу майдон 25,7 минг гектарни ташкил этди, шу йилнинг 25 апрелига қадар унга ажратилган жами майдоннинг 66 процентига картошка экилган.

Республикада шоли экиш бошланди. Ҳозиргача 13,5 минг гектар ерга шоли экилди. Сирдарё областининг шоликорлари пешқадамлик қилмоқдалар, бу ерда планда кўзда тутилган майдонларнинг тўртдан уч қисмига шоли экилган, Сурхондарё областида жами майдоннинг ярмидан кўпроғига шоли экиб бўлинди.

Шу йилги планда колхозлар, совхозлар ва тармоқлараро хўжаликларда озуқабоп экинлар учун 983,6 минг гектар ер ажратилган, бу эса амалда ўтган йилги экин майдонларидан 10 процент ёки 88,7 минг гектар кўпдир.

Тупроққа ишлов берувчи ва ем-хашак йиғиштириб олувчи техника жадал график асосида ремонт қилинмоқда. 1 апрелга қадар трактор косилкаларининг 91 проценти, трактор хаскашларининг 95, пресс-подборшчикларнинг 87, силос ва ем-хашак ўрувчи комбайнларнинг 83, маккажўхори ўрувчи комбайнларнинг 75 проценти шай қилиб қўйилган эди.

Андижон, Бухоро, Наманган ва Сурхондарё областларининг механизаторлари ремонт вахтасини зарбдорларча давом эттирмоқдалар.

## КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

1988 йил 16 апрель куни В. И. Ленин таваллудининг 118 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказилди. Шанбалик совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат активлиги ошиб бораётганлигининг, улар КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференциясини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаётганликларининг ёрқин далили бўлди.

Шанбаликда 157 миллиондан ортиқ киши қатнашиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги иш ўринларида, шунингдек шаҳар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришда ишладилар. Шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда юксак даражада уюшқоқлик ва ишчанлик кўрсатилди. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида меҳнат қилаётган кўпгина меҳнат коллективлари халқ хўжалиги ва аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга, шартномавий мажбуриятларни бажаришга алоҳида эътибор бериб, иш ҳажмларини ўзлари белгиладилар.

Шанбалик қатнашчилари юксак унум билан ишлаб, ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Дастлабки маълумотларга кўра, шу куни саноат маҳсулотининг ўзидан қарийб 1,4 миллиард сўмлик ишлаб чиқарилди. Кўпгина меҳнат коллективларида одатдаги иш кунларига қараганда анча ортиқ маҳсулот тайёрланди. Маҳсулотларнинг анчагина қисми тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобидан тайёрланди. Шанбалик қатнашчилари фойдани ҳисобга олганда 327 миллион сўм ишлаб топиб, беш йиллик фондига ўтказдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида фаол иштирок этган ишчилар ва колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари, ёшлар, уруш ва меҳнат ветеранларига фидокорона, холисона меҳнатлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этадилар.

Совет кишиларининг истаклари, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг таклифлари инобатга олиниб, шанбаликда ишлаб топилган маблағлар чақалоқлар уйлари, етим болалар ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар учун болалар уйлари ва мактаб-интернатлар қуришга, қишлоқ ва район соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий базасини янада мустаҳкамлашга, уруш ва меҳнат ветеранларига социал-маиший хизматни яхшилашга сарфланади.

## ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский бошчилигидаги КПСС делегацияси Ханойдан Москвага қайта туриб, 29 апрель куни Тошкентда қисқа вақт тўхтаб ўтди. Делегация ВКП Марказий Комитетининг таклифига биноан Вьетнам Социалистик Республикасида бўлган эди.

Тошкент аэропортида Г. П. Разумовскийни ва делегациянинг бошқа аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали Н. И. Попов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

28 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. Наманган шаҳар партия комитетининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга доир иши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Шаҳар партия комитетининг иш услубида расмиятчилик ва хўжакўрсинчилик устунлик қилаётганлиги, эскича форма ва методларга секинлик билан барҳам берилаётганлиги қайд этиб ўтилди. Шаҳарда вужудга келган диний вазиятнинг жиддийлигига етарлича баҳо берилмаяпти, ўтмиш сарқитларини бартараф этиш ишлари амалда олиб борилмаяпти. Ҳар уч коммунистнинг бири сиёсий таълимга жалб этилмаган, марксизм-ленинизм университетида идеология, хўжалик кадрларини тайёрлаш самарали эмас. Иқтисодий ўқиш маърифатчилик тусида бўлиб, лекция пропагандаси энг муҳим муаммолардан ажралиб қолган. Ғоявий-тарбиявий ишнинг аҳволи учун раҳбарларга нисбатан тегишлича талабчанлик қилинмаяпти.

Бу ҳол кўп жиҳатдан шунга таъсир этдики, шаҳар экономикасининг аҳволида яхшиланиш сезилмаяпти. Социал соҳани ривожлантиришда турғунлик ҳолатларига сусткашлик билан барҳам берилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Наманган шаҳар партия комитети, унинг бюроси, секретарлари Т. М. Мақсудов, В. Т. Бугаев, Ҳ. А. Аҳмедова ўртоқларнинг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга доир ишини КПСС XXVII съездининг талабларига мувофиқ эмас, деб топди.

Идеологик ва сиёсий тарбиявий ишларнинг савиясини ошириш юзасидан ўша жойнинг ўзида ёрдам бериш учун Наманган шаҳрига Марказий Комитетнинг бригадасини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур масала хусусидаги ишларнинг аҳволи шаҳар меҳнаткашлари, коммунистлари, жамоатчилиги кенг доираларининг иштирокида кўриб чиқилсин, натижалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросига маълум қилинсин.

Марказий Комитет бюроси республика саноат парандачилиги «Узптицепром» бирлашмаси раҳбарларининг ишидаги жиддий камчиликлар ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Шу нарса қайд этиб ўтилдики, бирлашма раиси ўртоқ Б. А. Пискунов билан унинг биринчи ўринбосари ўртоқ А. А. Аббосов кадрлар масаласи объектив равишда кўриб чиқилиши учун шахсий масъулиятни ҳис этмай қўйдилар, бу ишда принципсизлик, кўнгилчанлик ва бефарқлик қилмоқдалар. Тармоқни хўжалик юритиш интенсив методларига ўтказиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш масалаларини секинлик билан, ноизчил ҳал этмоқдалар. «Узптицепром» асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юзасидан мамлакатда охирги ўринларнинг бирида турибди.

Бунинг устига ўртоқ Б. А. Пискунов уй-жой масаласини ҳал этиш чоғида шахсан тартиб-қоидаларни бузишга йўл қўйди.

«Узптицепром» бирлашмаси партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. П. Цефанский маъмурият фаолиятини контрол қилиш борасидаги ишдан ўзини тортиб, кузатувчи позициясида турди, кадрлар билан ишлашга юзаки ёндашмоқда.

Марказий Комитет бюроси кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги жиддий хатолари, бу ишда принципсизлик ва кўнгилчанлик қилганлиги, тармоққа раҳбарликда йўл қўйган нуқсонлари, шунингдек шахсан нокамтарлиги учун КПСС аъзоси, «Узптицепром» бирлашмасининг раиси ўртоқ Б. А. Пискуновга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилди. «Узптицепром» раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. А. Аббосовга ҳам худди шундай жазо берди.

Маъмурият фаолиятини контрол қилмай қўйганлиги, «Узптицепром» аппаратида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга бефарқ қараганлиги учун бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. П. Цефанскийга виговор эълон қилинди.

Йўл қўйилган камчиликларни ва шахсий хатоларимни тугатиш чораларини кўраман, деб ўртоқ Б. А. Пискунов берган ваъда эътиборга олинди. «Узптицепром» ишини 1988 йил якунлари юзасидан яна кўриб чиқишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ОБ-ҲАВОГА ИШОНИБ БЎЛМАЙДИ

*Долзарб мавзуда мусоҳаба*

Апрель бошидан бери чарақлаб турган қуёш ой охирида тўсатдан булутлар ортига бекиниб олди, дим ҳаво ёғингарчиликдан дарак берарди. Бинобарин, бир қатор районларда ёмғир ёғиб ўтди. Об-ҳавонинг бехосдан бундай ўзгариб қолиши деҳқонни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказида бўлиб, эртаги кун об-ҳавоси қандай бўлиши билан қизиқди. Шу ва бошқа саволларга узоқ муддатли об-ҳаво маълумотлари бўлимининг бошлиғи Венера Галеевна Хисамиева ва агрометеорология маълумотлари тайёрлаш группасининг бошлиғи Лидия Владимировна Гром шундай жавоб қайтардилар.

**В. Г. Хисамиева:** Апрелда об-ҳавонинг иссиқ бўлиши Арабистондан кириб келган оқим туфайли, салқинлашув эса совуқ оқимнинг Жанубий Европадан Кавказ орқали етиб келиши сабабли рўй берди. Тупроқ юзасининг музлаши кутилмайди, бунақаси фақат Уст-Юртда кузатилиши мумкин. Умуман бу кезларда ҳавонинг совуши аҳён-аҳёнда учрайдиган ҳодиса. У сўнгги бор 1985 йил 12—15 май кунлари содир бўлганди.

Бугундан бошлаб 2 майгача республикада об-ҳавонинг ўзгариб туриши кутилади. Фарғона водийсида эса 3 майгача давом этади. Кечалари ҳарорат 6—11, кундузи 15—20 даражагача пасаяди. Бунақаси камдан-кам келади. Ҳолбуки, 27 апрелда шу кун учун энг юқори ҳарорат — 35,4 даража қайд этилди. Бунақаси 1932 йилда рўй бериб, ўшанда 27 апрель куни ҳарорат 31,7 даражага кўтарилганди. Умуман апрель регионимиз учун ғалати бўлиб қолди.

Одатда шу ойда ёғингарчилик кўп бўлар эди, бу йил эса ёғингарчилик нормадагидан кам. Бундай ҳолатлар ҳар етти йилда қайтарилади. Умуман ўтган бир аср мобайнида бунақаси 16 марта қайд этилган бўлса, уларнинг асосий қисми 80-йилларга тўғри келади. Нормага нисбатан 40—50 процент, ғарбий областларда 20 процентгача ёғингарчилик бўлди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразмда эса бир томчи ҳам ёмғир ёғмади.

**Л. В. Гром:** Апрель ойи агрометеорология шароити нуқтаи назаридан ғоят қулай келди. Биринчи ўн кунлик охири ва иккинчи ўн кунлик бошида ёппасига чигит экилди. Апрель охирига келиб экиш асосан туғаллландики, бу ўтган йилдагига нисбатан хийла эрта. Ҳарорат юқори, нам етарли бўлиши туфайли 6—12 кундан сўнг уруғ униб чиқди. Ҳозир ниҳолларнинг ҳолати жуда яхши, парвариш авжида.

Учинчи ўн кунликда ҳаво жуда исиб кетди ва тупроқ юзасидаги нам буғлана бошлади. Оқибатда уруғ тушган қатламдаги нам миқдори танг ҳолатга етди. Кутилаётган ёғингарчиликнинг бўлиши яхши, бироқ у жалага айланмаса бўлгани. Ўйлаймизки, ушбу ёғингарчилик тупроқдаги табиий намни кўпайтиради.

Мусоҳабамиз худди шу жойга етганида юқоридаги сўзларнинг исботи сифатида дераза ортида ёмғир томчилари кўринди.

Бу йил кузги экинлар учун ғоят қулай бўлди, — деб давом этади Лидия Владимировна. — Қишнинг илиқ ва серёмғир, март ойининг яхши келиши ниҳолларнинг ривожини жадаллаштирди. Ғалла одатдагидан анча эрта бошоқлади. Тўғри, апрелнинг учинчи ўн кунлигидаги жазирама ниҳоллар ривожини бирмунча сусайтирди. Айниқса Қашқадарё ва Сурхондарё областларида қурғоқчилик бошоқли экинларга бироз зиён етказди. Бугун-эрта ёмғир ёғиши майсаларга малҳам бўлади.

**— Демак, хавотирланишга ўрин йўқ!**

— Ҳа, ҳароратнинг пасайиши фойдадан холи эмас, бироқ дўл, жала, сел бўлмасагина наф келтиради. Ҳавонинг айниши ҳеч хавф туғдирмайди. Бироқ беғам бўлиш ҳам ярамайди. Чунки биз об-ҳавони яратмаймиз, балки унинг қандай бўлишини олдиндан айта оламиз, холос.

Деҳқонлар кучли ёғингарчиликдан сўнг пайдо бўладиган тупроқ қатқалоғини юмшатишга шай бўлиб туришлари лозим. Эҳтимол баъзи жойларда оласига чигит экишга тўғри келар. Кўпгина хўжаликларда ниҳоллар ҳаддан ташқари қалин, бу эса яганалашни тақозо этади. Серёғин об-ҳаво ёввойи ўтлар ривожининг авж олишига имкон яратишини ҳам унутмаслик керак. Демак, бунга ҳам шай бўлиб туриш зарур. Умуман май ойи об-ҳавоси одатдагидай бўлади: биринчи ўн кунликда ёғингарчиликлар юз беради, жазирама кутилмайди, зеро бу ҳам деҳқонга қўл келади.

**— Албатта сизлар об-ҳавонинг бугунги айнишини олдиндан билгандирсизлар!**

— Ҳа, билардик, — деди Венера Галеевна. — Об-ҳаво инжиқликларидан ғафлатда қолганимиз йўқ. Биз халқ хўжалиги органлари, биринчи навбатда Агросаноат давлат комитетини об-ҳавонинг кескин ўзгариб қолиши ҳақида огоҳ этганмиз.

Мусоҳаба ниҳоясида об-ҳаво маълумотларига яна бир назар ташладик: 30 апрелдан 2 майгача секундига 15—20 метр тезликда шамол эсади, сув омборларига келаётган оқим кучаяди, тоғолди районларида сел бўлиши мумкин. Ҳар эҳтимолга деганларидек, тошқинга қарши кураш, аввало унинг олдини олиш чоралари кўрилмоғи, дарёлар, каналлар, ҳавзалар, катта-кичик ариқлар ҳолати, қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари эътиборда турмоғи шарт. Сув хўжалиги билан боғлиқ барча ходимлар кеча-кундуз ҳушёрлик кўрсатишлари, шошилинч чораларни рўёбга чиқаришга шай бўлмоқлари зарур. Хуллас, сув билан ҳазиллашиш ярамайди.

**Мусоҳабани Н. ШАКАРОВ ёзиб олди.**

## ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

29 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлди.

Йиғилиш П. Ҳабибуллаев Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг раиси этиб сайланганлиги муносабати билан уни республика Фанлар академиясининг президенти вазифасидан озод қилди.

М. С. Салоҳиддинов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов нутқ сўзладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. Искандаров қатнашди.

(ЎзТАГ)

